
Олтиариқликлар бу йилги Наврўз байрамини умумхалқ сайл, тантана ва миллий урф-одатлар билан кутиб олмоқда

Жойларда “Ассалом, Наврўз - янгилашиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!” шиори сотида халқ сайллари ташкил этилиб, инсон қадрини улуғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги 2-сектор ҳудудидаги Азимобод маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган халқ сайлида халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик каби фазилатлар намоён этилиб, ёши улуғ инсонлар, нуроний отахон ва онахонлар ҳар томонлама эъзозланди, эҳтиёжманд оилалар холидан хабар олинди, ҳудуд ободонлаштирилиб, кўркам қиёфа касб этди. Ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилди. Энг қувонарлиси туман прокурори ташаббуси ва ҳудуддаги фермерларнинг қўллаб-қувватлаши билан 12 нафар болажонларнинг суннат тўйлари катта тантана қилиб нишонланди. Халқ сайлида туман ҳокими Шамсиддин Турдалиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирини Абдуҳошим Абдуллаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоят Кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев ва тумандаги сектор раҳбарлари иштирок этдилар. Наврўз шодиёналарида миллий халқ ўйинлари, фольклор жамоаларининг чиқиши, полвонлар беллашуви, дорбозларнинг дор ўйинлари, айниқса, ҳарбий техникалар кўргазмаси, арқон тортиш, футбол, стол тенниси мусобақалари, атракцион ўйинлари барчада катта таассурот қолдирди. Санъаткорлар томонидан намоёниш этилган концерт дастури байрам қатнашчиларига завқ бағишлади. Барчамизга маълумки, Наврўзда бободехқонлар ҳам енг шимариб деҳқончилик юмушларини ҳам бошлайдилар. Халқ сайлида нуронийлар қўлларини дуога очиб, янги меҳнат мавсумини бошлаш арафасида турган миришкор деҳқону фермерларнинг жорий йилги деҳқончилик ҳосиллари мўл бўлишини тилаб дуолар қилдилар. Халқ сайллари туманимизнинг барча гўшаларида, маҳаллаларию кўчаларида давом этмоқда.

2022-03-15 20:55:10